

Қандай хурсанд бўлайки, сур соҳиби...

09:35 / 04.05.2018 3187

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қандай хурсанд бўлайки, сур соҳиби (Исрофил алайҳиссалом) сурни оғизга солиб, буйруқ келса, уни пуфлайман, деб изн берилишига қулоқ солиб турибдилар», дедилар. бу айтган гаплари гўёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига оғир ботгандек бўлди. Шунда у зот: «(Сизлар) «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», деб айтинглар», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.